

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Кулёзма ҳуқуқида
УДК 336.781.25 (575.1)

АХМАДЖОНОВА ЗУХРАХОН ОРИФЖОНОВНА

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНДЛАР
БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРҒИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ**


**12.00.03.- Фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; онла ҳуқуқи;
халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

*Аслига, ту ҳоз
и. 7р га шиб*

Тошкент - 2010



Диссертация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Халқаро хусусий ҳуқуқ» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: юридик фанлар доктори, профессор,
Гулямов Саидилла Саидахорович

Расмий оппонентлар: юридик фанлар доктори, профессор,
Қараходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар номзоди
Воҳидов Маҳкам Мубинович


Етакчи ташкилот: Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги юридик фанлар доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 016.15.02 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил 29 декабрь куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти кутубхонасида (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35) танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “___” ноябрда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
юридик фанлар номзоди



Турбеков Тимур
Мырзаалиевич

MSH/621

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иктисодиёти шароитида акциядорлик жамиятлари капитални бирлаштиришнинг энг йирик шаклларида бири бўлган ҳолда, миллий қимматли қоғозлар бозорининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мазкур муносабатларни шакллантиришнинг долзарблигини кўрсатган ҳолда айтиб ўтганларки, «қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳисобига аҳолининг бул турган маблағлари айлапига жалб этилади. Бу айни чоғда иктисодиётни барқарорлаштириш соҳасидаги муҳим вазифани ҳал қилишга - пул муомаласини, демакки, миллий валютани мустаҳкамлашга ёрдам беради»¹.

Ликвид қимматли қоғозлар бозори иктисодиётнинг реал секторига инвестиция ресурсларининг асосий етказиб берувчиси ҳисобланади экан, уларнинг ёрдамида қўлгига макроиктисодий муаммоларнинг ечими таъминланади ва булар орасида иктисодий ўсини муаммоси алоҳида аҳамиятга эгадир².

Давлатимиз Президенти И.А. Каримов мазкур масалада стратегик нуқтаи назардан қўйидаги йўналишни белгиледи: «Акциядорлаш жараёни республика аҳолисининг кенг қатламларида, шунингдек чет эллик жисмоний ва торидик шахсларга очик бўлиши керак. Ўз маблағларини йирик корхоналарнинг акцияларига киритмоқчи бўлган ҳар бир шахс бундай имкониятга эга бўлиши керак. Бунинг учун қимматли қоғозларнинг очик сандонини олиб бориш, фонд биржасининг фаолиятини кенгайтириш, инвестицион компаниялар, инвестицион фондиар ва агент тармогини тузиш орқали қимматли қоғозлар бозорини инфраструктурасини яратиш керак. Ҳар бир корхонанинг акциядорлаш жараёни очик ва ошқора бўлиши керак. Аҳоли ичида акцияларни жойлаштириш ва улар бўйича дивидендлар тулаш шартларини кенгрок тушултириш керак»³.

Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозори ва корпоратив сектори ўзининг макроиктисодий функцияларини бажаришга эндигина яқинлашиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, миллий қимматли қоғозлар бозорининг юқори ўсини суръатларига⁴ ва акциядорлаш жараёнининг ривожланишига қарамай, қимматли қоғозлар бозорининг⁵ ва корпоратив секторининг ҳолати замонавий воситаларнинг барча афзалликларидан фойдаланиш учун етарли даражада эмас.

Айни вақтда корпоратив бошқарушининг ҳуқуқий асослари етарли даражада ривожланмаганига, хусусийлаштирилган корхоналарда давлатнинг акциядор сифатидаги устувор ўрни, дисекторлар корпусининг деярли назорат


¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида халқтиникива тикланиш, барқарорлик шартлари ва тарққоқет капиталлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.

² Bernard S. Black The legal and Institutional Preconditions for Strong Securities Markets // UCLA Law Review. - 2001. - № 48. - P. 786.

³ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 йил.

⁴ 2009 йилнинг 9 ойини якулари бўйича фонд биржасида сандонинг умумий ҳажми 82,4 млн.АҚШ доллариани ташкил этиди. Сандонинг умумий ҳажмидан 29% бирдмочи бозорни тўрир келди. Қўлданги сандо ҳажмлари урғачада 10-15 млн: АҚШ доллариани ташкил этиди. Сандода жами 150 эмигент иштирок этиди ва компанияларнинг акциялар пакетларини сотиб олини бўйича 30дан орткис йирик битимлар амалга оширилди. Қўлданги Фондовый рынок Узбекистана. Аналитический сборник. - 2008. - 18 июль. <http://www.csluz>

⁵ Ўзбекистон фонд бозорини 30дан орткис инвестицион институтлар, икки млн: ширфони қимматли қоғозлар бозорининг мутахассислари ва бир ярим миллиондан шид қимматли қоғозлар эгалари фаолият етратиди. Балакин С. Фондовый рынок страны назвал лучшим // Новости Узбекистана. - 2009. - 6 январ.



қилинмаслиги ва акциядорларнинг ҳуқуқлари етарлича ҳимоя қилинмаслиги уларнинг фойдани дивиденд шаклида олиш ҳуқуқларининг бузилишига, шунингдек инвесторларда республиканинг корхоналарига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, таъкидлаш зарурки, акциядорларга жараёنларини ривожлантириш ва Ўзбекистонда замонавий талабларга мос келаётган корпоратив бошқарув моделини яратиш мақсадида акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида самарали ҳуқуқий сиёсат муаммоси долзарб бўлиб келмоқда.

Мазкур соҳада ҳозиргача тўпланган қонунчилик массиви, корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиш ва корпоратив муносабатларнинг моҳиятини доктринал тушуниш тизими ҳозирча юқори самарадорлик талабларига жавоб бермайди.

Мазкур муаммо бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов танқид қилиб айтиб ўтгандиларки, «Республиканинг фонд бозори ва қимматли қозғалар бозорига ишларнинг ҳолати бизни қониқтиришни мумкин эмас. Бундай аҳвол кўп жиҳатдан корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимидаги жиддий камчилик ва нуқсонлар билан боғлиқдир. Шунини айтиш керакки – хусусийлаштириш тўғрисидаги бандларга таъминот билан амалда аксарият ҳолларда акциядорлик жамиятлари раҳбарларининг эшигидаги ёзувларнинг ўзгаришига, яъни директор ўрнига бошқарув раиси деган ёзув пайдо бўлишига, лекин ишнинг моҳияти ва усули эскилигича қолиштириб олиб келмоқда, ҳолос»⁶.

Бу масалада ҳуқуқнинг асосий функцияси, бизнинг фикримизча, биринчи ўринда акциядорларнинг фойдани тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиши керак. Мазкур корпоратив ҳақиқатларнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилиши зарур бўлиб, бунда нормаларнинг икки хил талқин этилишини ва уларнинг қўлланилишида воқеанингки истисно қилиш керак. Шунингдек, фойдани тақсимлаш масалалари ҳам самарали ҳуқуқий таъминланишга муҳтождир. Бунда дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик масаласи фақатгина қонун асосида, акциядорларнинг бу масалаларни ҳал этишга жалб этилган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти танқидий таъкидлагандиларки, «акция эгалари корхона фаолиятида, уни бошқаришда ўз овози билан фаол иштирок этиши лозим. Бошқача айтганда, корхонанинг тақдирини, ҳаёт-мамотини директор эмас, балки акциядорлар ҳал этиши лозим. Амалда эса кўпгина жойларда акция эгалари директор бизга қачон дивиденд берар экан, дея қўл қовуштириб ўтирибди. Бу аввалги даврдаги ун унингчи маонини қуттишни эслатмайдими? Демокриманки, акция эгаси фақат даромаддан уланишни олувчи эмас, балки ўзини ана шу корхонанинг эгасиман, деб ҳис этиши керак»⁷.

⁶ Қараг: Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат эриш истиқолиёт шартларини қўлиб жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. 2006 йил мамлакатни янгилик-истисодий ривожлантириш йуллари ва 2007 йил иқтисодий ислохотларни қудуриштиришнинг эн муҳим устувор бўлинишига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 13 Феврал 2007 йил. // Халқ сузи. – 14.02.2007 йил.

⁷ Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг боз мезони. 1997 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашининг набатдаги мажлисида қилинган маъруза. // Халқ сузи. – 07.02.1997й.

Концептуал нуқтаи назардан эса, бизнинг фикримизча, акциядорларнинг ўз акциялари бўйича дивиденд олиш ҳуқуқларини кенгайтириш керак бўлиб, бу масала қонунда аниқ ўз ифодасини топиши керак. Бунда шунингдек, мазкур ҳуқуқларни чуқурлашдириш ҳолатларини ва мазкур ҳуқуқни суниестемол қилиш учун шахсий жавобгарликни ҳам белгилаш зарурдир.

Шундай қилиб, акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солишни ягона концепциясини ишлаб чиқишнинг, мазкур соҳада ҳуқуқий таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини шакллантиришни, корпоратив муносабатлар тизимида дивидендлар институтининг роли ва ўрнини аниқлашнинг долзарблиги яққол кўриниб турибди.

Албатта, бундай такомиллаштиришлар умумий ҳуқуқ тамойиллари ва фуқаролик-ҳуқуқий асосларга дахлдор бўлади ва бу, бизнинг фикримизча, табиийдир, чунки янги иқтисодий тизим уни илмий таъминлаш тизимига, бозор иқтисодиёти йўналишида ривожланишини ташланган устувор йўналишларига мос келадиган янги тоифалар билан фикрлаш талабини кўяди.

Юқорида назарда тутилганларни инобатга олган ҳолда, айтиб ўтиш керакки, дивидендлар институти мазмунини тубдан ўзгартириш эҳтиёжи акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларини замонавийлаштириш масалаларида ҳам намоён бўлади. Бу соҳада устувор масала бўлиб батафсилроқ қонунчилик ва доктринал тузилмаларининг ишлаб чиқишини бўлиши керак.

Буларнинг барчаси дивидендларнинг юридик табиатини тушунишга нисбатан ягона ҳуқуқий ёндашувни яратиш ҳамда бу соҳада акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий режимиини ишлаб чиқиш йўллари ва усулларини кидариш лозимлигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таъкидлаш муҳимки, акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида вужудга келадиган муносабатлар, умуман олганда, корпоратив муносабатлар каби, миллий юридик фан учун нисбатан янги соҳа ҳисобланади.

Шундай экан, Ўзбекистонда акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш ўзининг бошланғич давридадир. Қўрилаётган муаммо бўйича миллий муаллифларнинг ишланмалари деярли бўлмаганини учун, ҳозирча биз фақатгина айнан корпоратив ҳуқуқнинг алоҳида институти бўлмиш дивиденд сиёсатига бағишланган умумий характердаги корпоратив муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва умуман олганда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатга бўлмаган миқдордаги мақолаларни кўрсатишимиз мумкин. Хусусан, шулар ичида қуйидаги ҳуқуқшунос – олимларнинг илмий ишларини кўрсатиш мумкин: Валеев Д.Р.⁸, Воҳидов М.М.⁹, Гулямов С.С.¹⁰, Зокиров И.Б.¹¹,

⁸ Валеев Д.Р. Защита прав миноритарных акционеров в корпоративных конфликтах // Обзор законодательства Узбекистана. – 2004. – №1.

⁹ Воҳидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Тошкент: ТТЮИ, 2007.

¹⁰ Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Тошкент: ТТЮИ, 2005.

¹¹ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи (1 қисм). Дирекция – Тошкент: Адолат, 1996; Зокиров И., Баратов М. Қўimmatли қозғалар бозорда депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳ. Рисола. – Тошкент: Ҳуқуқий маърифат тарғиботи. – 1999.

Котова М.Д.¹², Караходжаева Ш.Р.¹³, Рахманкулов Х.Р.¹⁴, Шорахметов Ш.Ш., Яковенко А.А.¹⁵ ва бошқалар.

Кўрсатилган муаллифлар орасида С.С.Гулямовнинг ишларига алоҳида тўхталिश керак бўлиб, унинг корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги изланишлари мазкур соҳадаги миллий изланишларнинг асосий қисмини ташкил этади. Хусусан, унинг «Корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий муаммолари: назария ва амалиёт»¹⁶ илмий тадқиқотини кўрсатишимиз мумкин. Мазкур тадқиқот янгилиги ва илмий ишланмаларнинг асослилиги ва уларнинг Ўзбекистонда миллий корпоратив ҳуқуқнинг шаклланиши шароитларида назарий ва амалий нукта назардан юқори аҳамиятлилиги билан характерланади.

Шунингдек, тадқиқотимиз учун Рахмонкулов Х.Р. ва Гулямов С.С.ларнинг «Корпоратив ҳуқуқ»¹⁷ дарслиги катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, унда акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий масаллари кўрсатиб ўтилгандир.

Айни вақтда, миллий ҳуқуқшунос - олимларнинг ишларида акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ва уларнинг фойдани тақсимлаш масалаларида иштирок этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга эътибор берилмаган.

Шундай экан, бундай шароитда чет эл вакилларининг ишлари алоҳида қизиқиш уйғотиб, мазкур соҳадаги уларнинг изланишлари акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳуқуқий таъминлаш муаммоларини ечиш бўйича кўпгина концепция ва ёндашувларнинг ишлаб чиқилишига олиб келади.

Ривожланган бозор муносабатлари тизими мавжуд бўлган давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, бундай масалалар фундаментал тадқиқотлар ёрдамида ечилиб, улар мавжуд бўлган тушуниқларни, тамойилларни, концепцияларни ўзгартирганлар, дивиденд соҳасидаги стандартларни ижобий томонга кўтариш орқали бозор муносабатларининг ўзинга хос катализаторига айланган.

Фикримизча, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, уларнинг самарали қўлланилиши олдинга қўйилган масалаларни объектив ва асосли равишда ҳал этиш имконини беради. Хусусан, бу борада қуйидаги мутахассислар ва олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин: Adolf A. Berle, Gardner C. Means¹⁸, Anders Nielsen¹⁹, Farinha Jorge²⁰, Baker M.,

¹² Котова М.Д. Наблюдательный совет акционерных обществ: избрание, компетенция, ответственность. – Ташкент: ТГЮИ, 2004.

¹³ Караходжаева Ш.Р. Правовое регулирование раскрытия информации в акционерных обществах в Республике Узбекистан Дисс. – канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2005.

¹⁴ Рахманкулов Х. Гражданское законодательство: проблемы и решения // Функциональная коммуникация: муаммо ва ечимлар мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Ташкент: ТДЮИ, 2004.

¹⁵ Яковенко А.А. Внедрение информационных технологий в практику корпоративных отношений Республики Узбекистан // Обзор Законодательства Узбекистана. – 2004. – №3.

¹⁶ Карант: Гулямов С.С. Правовые проблемы корпоративного управления: теория и практика. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – 390б.

¹⁷ Карант: Рахманкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право. Учебник. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – 704б.

¹⁸ Adolf A. Berle, Jr. & Gardner C. Means. The Modern Corporation and Private Property. – 1932

¹⁹ Anders Nielsen. Corporate Governance, Leverage and Dividend Policy. – Princeton University, IFA Zurich Meetings. – 2005.

²⁰ Farinha Jorge. Dividend Policy, Corporate Governance and the Managerial Entrenchment Hypothesis: An Empirical Analysis. – EFMA London Meetings. – 2002.

Wurgler J.²¹, Black F.²², Cheffins Brian²³, Correia da Silva L., Goergen M., Renneboog L.²⁴, Easterbrook F.²⁵, John B. Kose J., Williams J.²⁶, Lopez de Silanes, Andrei Shleifer, Robert Vishny²⁷, Zeckhauser R.J., Pound J.²⁸, ва бошқалар.²⁹

Қўрсатилган муаллифлар қаторида Нобель мукофоти лауреати бўлмиш Мертон Миллер ва профессор Франко Модильянининг³⁰ ишларини алоҳида қўрсатиб ўтиш керак, уларнинг ишланмалари дивиденд сиёсати муаммоларини энг самарали ечимлари негизда ётади ва «дивидендларнинг классик назарияси» сифатида кенг оммага маълум бўлган.

Мазкур тадқиқот учун яна бир Нобель мукофоти лауреати Майрон Сколсининг³¹ тадқиқотлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг тадқиқотлари ўрганилаётган муносабатлар соҳасида илмий фикрнинг ривожланиши йўналишини кўп жihatдан олдиндан белгилаб берган.

Мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг баъзи масалаларига МДХ давлатларининг бир қатор олимларининг тадқиқотлари ҳам бағишлангандир, хусусан, Абрамов А.Е.³², Адамович Г.Л.³³, Губина Е.Л.³⁴, Дегтярев А.А.³⁵, Долинская В.В.³⁶, Ионцев М.Г.³⁷, Ломакин Д.В.³⁸, Маслова И.³⁹, Могилевский С.Д.⁴⁰.

²¹ Baker M., Wurgler J. Why Are Dividends Disappearing? An Empirical Analysis. – Harvard University Working paper, 2002; Baker M., Wurgler J. A Catering Theory of Dividends. – Harvard University Working paper, 2002; Baker M., Wurgler J. Investor Sentiment, A Cross Section of Stock Returns. – Harvard University Working Paper, 2003 <http://www.harvard-law.edu>

²² Black F. The Dividend Puzzle // Journal of Portfolio Management. – 1976. Vol. 5–8.

²³ Cheffins Brian. Dividends as a Substitute for Corporate Law: The Separation of Ownership and Control in the United Kingdom. – ECGI - Law Working Paper №69/2006. – 2006.

²⁴ Correia da Silva L., Goergen M., Renneboog L. Dividend Policy and Corporate Governance. – Oxford University Press - Oxford, 2004.

²⁵ Easterbrook F. Two Agency-Cost Explanations of Dividends // American Economic Review. – 1984. – №74.

²⁶ Kose J., Williams J. Dividends, Dilution, and Taxes: A Signaling Equilibrium // Journal of Finance. – 1985. – №40.

²⁷ Lopez de Silanes, Andrei Shleifer, Robert Vishny. Agency Problems and Dividend Policies around the World. – Harvard Institute of Economic Research Paper №1839. – 1998.

²⁸ Zeckhauser R. J., Pound J. Are Large Shareholders Effective Monitors? An Investigation of Share Ownership and Corporate Performance. – University of Chicago Press: Chicago, 1990.

²⁹ Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатиغا қаради.

³⁰ Қаради: Miller Merton, Franco Modigliani. Dividend Policy Growth and the Valuation of Shares // Journal of Business. – 1961. – №34. – P.411–433.

³¹ Қаради: Scholes M., Black F. The Effects of Dividend Yield and Dividend Policy on Common Stock Prices and Returns // Journal of Financial Economics. – 1974. – №1; Scholes M., Miller M. Dividends and Taxes // Journal of Financial Economics. – 1978. – №6.

³² Абрамов А.Е. Кодекс корпоративного управления о дивидендах (предложения по совершенствованию законодательства) // Право и экономика – 2001 – №7. <http://www.ndc.ru/bif/>; Абрамов А.Е. Дивиденды. особенности национального законодательства // Финансист. – 2001. – №2.

³³ Адамович Г.Л. Неравенство между акционерами и правовые механизмы его нивелирования // Юрист. – 2002. – №9.

³⁴ Губина Е.Л. Управление и контроль в акционерных обществах. – М.: Юрист, 1999.

³⁵ Дегтярев А.А. Факторы дивидендной политики и их классификация // Финансовый менеджмент. – 2005. – №3. <http://kb.ifigen.info/cgi-bin/universalshow.cgi?action=rd&artid=553>

³⁶ Долинская В.В. Акционерное право. – М.: Юридическая литература, 1997.

³⁷ Ионцев М.Г. Акционерные общества: Правовые основы. Имущественные отношения. Управление и контроль. Защита прав акционеров. – М.: Осъ. – 89, 2003.

³⁸ Ломакин Д.В. Акционерное правоотношение. – М., 1997; Ломакин Д.В. Право акционера на дивиденд: понятие, порядок осуществления // Законодательство. – 1998. – №8; Ломакин Д.В. Изменения в акционерном законе и вопросы охраны прав акционеров // Законодательство. 2002. - №11.

³⁹ Маслова И. Право акционера на дивиденд в свете новых требований Закона "Об акционерных обществах" – 2002. <http://www.lin.ru/>

⁴⁰ Могилевский С.Д. Акционерные общества: комментарии, практика, нормативные акты. – М.: Дело, 1998

Пилипенко А.⁴¹, Ушаков Д.⁴², Эрделевский А.⁴³ ва бошқалар⁴⁴.

Шундай қилиб, кўрсатилган муаммоларнинг старайича ҳуқуқий ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳозирги иқтисодий муносабатлар даражаси нуқтан назаридан уларнинг тезкор ҳал этилиш талаби мазкур тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини ташкил этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти Илмий Кенгашининг 2007 йил 27 декабрдаги 5-сонли мажлисида тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетенининг 2008 йил 4 сонида эълон қилинган.

Тадқиқот мақсади – акциядорлаш жараёнларини рағбатлантириш ва Ўзбекистон корпоратив сектори иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратишнинг ҳуқуқий муаммоларининг комплекс таҳлилий амалга ошириш ва шу асосда миллий қонунчилигимиз ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

– дивидендларнинг ҳуқуқий табиатини ўрганиш ва замонавий корпоратив муносабатлар шартларида уларнинг асосий мезонларини аниқлаш;

– миллий қонунчилиқни юзага келаяётган ижтимоий муносабатларга мувофиқлигини, шунингдек акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга қодирлигини аниқлаш мақсадида комплекс таҳлилни амалга ошириш;

– ривожланган бозор муносабатлари мавжуд бўлган давлатларнинг дивиденд сўбятларининг тузилиши ва амал қилиши тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчиликка уларнинг ҳуқуқий нормаларини жорий қилишнинг мос келадиган қоидалари ва механизмларини аниқлаш;

– дивидендлар ва фойдани тақсимлаш режимида нисбатан бўлган халқаро-ҳуқуқий нормалар ва ёндашувларни таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мазкур жараёнларда иштирок этиш истикболларини аниқлаш;

– акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича асосланган тақлифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистонда дивидендлар институтини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ягона илмий тулғунчалар аппаратини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти – халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ва стандартларни, шунингдек ривожланган иқтисодий ва ҳуқуқий тизимлар мавжуд бўлган давлатларнинг мазкур ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг акциядорларнинг

⁴¹ Пилипенко А. Доходы акционеров по акциям: о дивидендах и других дистрибуциях в акционерном обществе (о реализации и защите прав акционеров) // Бизнес. – 1994. – № 22.

⁴² Ушаков Д. Право на дивиденды: механизм реализации // Управление компаний. – 2006. <http://www.zhuik.net/>

⁴³ Эрделевский А. О защите личных немущественных прав акционеров // Арбитражное право. – 1997. <http://jurqa.h12.ru/all.docs/a/a/gj3yw7bb.html>

⁴⁴ Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатига қаранг.

дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик нормалари.

Тадқиқот предмети - дивидендлар институти ва унинг ҳуқуқий характеристикалари: уларнинг турлари, эълон қилиш ва тўлаш тартиби, дивидендларга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари ва бошқалар.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари, Фуқаролик кодекси ва шунингдек Қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий актларининг нормалари ҳисобланади.

Халқаро нормаларнинг ва ривожланган корпоратив тизими мавжуд бўлган давлатларнинг қонуничлигини чуқур компаративистик таҳлили амалга оширилди. Бундан ташқари, мазкур соҳада машҳур бўлган халқаро ташкилотларнинг, молия-кредит институтларининг, таҳлил марказларининг ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг ишлаб чиққан ҳужжатлари ва тавсиялари ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, ўрганилаётган масалага беғосига ёки билвосита бағишланган илмий адабиётлар ва машҳур чет эл мутахассисларининг, шунингдек миллий тадқиқотчиларни акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича назарий ишланмалари ўрганилди.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, тизимлилик, ҳуқуқий-мантқий, таҳлилий, қиёсий-ҳуқуқий ва бошқа шу каби усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Акциядорнинг ваколатлари акцияларга эгаллик қилиш омилидан келиб чиқади ҳамда мулкий ва номулкий ҳуқуқлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Биринчи тўнфа ҳуқуқларга дивиденд олиш ҳуқуқи ва жамият тугатилаётганда мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқи кирса, иккинчиларга – акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи, маълумот олиш ҳуқуқи ва бошқалар қиради. Бунда дивидендга бўлган ҳуқуқ акциядорда акциядорлар сафига қўшилган пайтдан бошлаб мавжуд бўлади. Бу ҳуқуқни аъзолик ҳуқуқи ёки корпоратив ҳуқуқ сифатида тасвифласа бўлади. Шунингдек, бу ҳуқуқдан келиб чиқадиган дивиденд олиш ҳуқуқи мавжуддир. У акциядорда умумий йиғилиш томонидан дивидендларнинг аниқ миқдори ва шакли тасдиқланган пайтдан бошлаб пайдо бўлади.

2. Акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усули сифатида жамиятда фойда мавжуд бўлган тақдирда дивидендларнинг белгиланган минимал миқдорини тўлаш таъбири қонунчиликда ўрнатилган таъриф этилади. Дивидендларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бундай усули жаҳон амалиётида кенг тарқалгандир (Швейцария, Финляндия, ГФР ва бошқалар).

Бизнинг фикримизча, ЎЗР АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 54-моддаси 2-қисмига ўзгартириш киритиш зарур бўлиб, унда жамиятда соф фойда мавжуд бўлган тақдирда белгиланган минимал дивидендлар миқдорини тўлаш тўғрисидаги талабни белгилаш зарурдир. Бундай таъриф ҳозирги пайтда

Ўзбекистон иқтисодийёти шароитига мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз, чунки акциядорларда дивиденд олишларига ишончининг мавжуд бўлиши Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларига капитални самарали жалб қилиш имконини беради.

3. Ўз-ўзини бошқариш имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни қучайтириш мақсадида, қуйидагилар таъриф қилинади:

– Биринчидан, ЎзР АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддаси 5-қисмини акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтганидан кейин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддат ичида акциядорларнинг умумий йиғилишида «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низомни тайёрлаш ва тасдиқлаш талабини ўрнатиш билан тўлдирish;

– Иккинчидан, қонунчилик даражасида «Дивиденд сиёсати» тўғрисидаги Намунавий низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бу мақсадда, амалдаги қонунчилик ва уни такомиллаштириш истиқболлари, шунингдек дивиденд сиёсатининг замонавий халқаро тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур диссертация тадқиқоти доирасида «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Намунавий низом ишлаб чиқилган.

4. Турли соҳалардаги ва миллий корпоратив бошқарув тизимларининг киёсий таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича асосий оғирлик давлат органлари зиммасига тушади ва асосан маъмурий чораларга таянади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тизимида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маълум қонунчилик базасининг яратилганлигини ҳисобга олган ҳолда, АЖ томонидан Ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилишнинг самарадорлигини ошириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш тақлиф этилади ва у ўз ичига қуйидагиларни киритиши лозим деб ҳисоблаймиз:

– биринчидан, хусусий махсус ахборот ва таҳлил агентликларини ташкил этиш ва жалб қилиш;

– иккинчидан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмиталари ва турли ассоциациялар каби фаолияти акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган махсус нодавлат ташкилотларини ташкил этиш.

5. Халқаро стандартларни унификация қилиш соҳасида миллий хусусиятларни инобатта олган ҳолда қонунчилигимизга қуйидагиларни жорий қилиш муҳим деб ҳисоблаймиз: Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти (ингл. қисқ. IOSCO) Техник қўмитасининг «Мижозларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деб аталмиш тавсияларини ва Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилотининг ривожланаётган қимматли қоғозлар бозори мамлакатлари учун «Қимматли қоғозлар бозори ривожланаётган давлатларда коллектив инвестицияларнинг дастурлари» деб аталмиш тавсиялари.

6. Ҳозирги акциядорлик инвестиция фаолияти ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, акциядорларни ва келажакдаги инвесторларни акциядорлик жамиятининг дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиблари тўғрисидаги тўғри ва тўлиқ маълумот билан таъминлаш механизмлари яхши ривожланмаган. Бунда акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

соҳасидаги маълумотни самарали ошкор қилиш муаммоси нафақат корпоратив бошқарувнинг ривожланаётган тизимларида, балки ривожланганларида ҳам муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш учун қуйидагилар тақлиф этилади:

– биринчидан, акциядорлик жамиятлари томонидан реал бўлган дивидендлар миқдори каби маълумотни ошкор қилишга мажбур қилиш. Акциядорлик капиталининг тузилиши, фойдани тасдиқлаш сифати ва дивиденд тарихи ҳақидаги аниқ маълумот ошкор қилиниши керак. Буларнинг барчаси акциядорларга ва келажакдаги инвесторларга акциядорлик капиталида ва фойдани тақсимлашда иштирок этиш бўйича чуқур ўйланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

– иккинчидан, молиявий ҳисобдорлик қоидаларини қўлланилишини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бу мақсадларда Молиявий ҳисобдорликнинг ҳалқаро стандартлари (МХХС) талабларини миллий акциядорлик жамиятларининг амалиётига жорий қилиш. Фикримизча, миллий акциядорлик жамиятлари томонидан МХХСнинг қўлланилиши чет эл инвесторларига Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоялар киритиш бўйича объектив қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, диссертацияда миллий юриспруденцияда биринчи марта акциядорларнинг дивидендлар олиш ҳуқуқларининг назарий ва ҳуқуқий хусусиятларини комплекс тадқиқот қилишга ҳаракат қилинди.

Акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий тизимимизнинг баҳсли масалалари бўйича танқидий тадқиқот олиб борилди, турли давлатларнинг ҳуқуқий доктриналарида мавжуд бўлган нуктаи назарлар ва тақлифлар амалий нуктаи назардан баҳоланди, миллий ва чет эл қонунчилигининг батафсил таҳлили олиб борилди.

Шунингдек, мазкур тадқиқотнинг бошқа илмий янгилиги акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришнинг белгиланган муаммолар доирасини ўзига ҳослиги ва акциядорларнинг фойдани тақсимлаш масалаларида иштирок этиш ҳамда дивидендларни олиш бўйича ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли ва самарали тизимини ишлаб чиқиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан чиқарилган ҳулосалардан акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар сифатида фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан илмий ишлар, дарсликлар ва методик қўлланмаларни яратишда, шунингдек олий ўқув юрғларида «Фуқаролик ҳуқуқи», «Корпоратив ҳуқуқ», «Хўжалик ҳуқуқи», «Молия ҳуқуқи» фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланилиш мумкин.

Диссертация иши бўйича чиқарилган ҳулосалар ва тавсиялар инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кучайтириш мақсадида миллий акциядорлик жамиятлари фаолиятини ички - корпоратив тартибга солинишида ҳам амалий қўлланилиши мумкин.

Натижаларни жорий қилишши. Акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш бўйича алоҳида таърифлар ва ҳулосалар тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатилган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробация). Диссертация иши ТДЮИ “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедрасида бажарилган ва бир неча бор ушбу кафедра ҳамда ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраларининг қўшма мажлисларида муҳокама қилинган. (2010 йил 1 майдаги № 34-сонли баённома) муҳокамадан ўтган. Диссертация қўлёзмаси Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети юридик факультетидаги илмий-амалий семинарда ҳамда ТДЮИ ҳузуридаги Д. 016.15.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда муҳокамадан ўтган. Шунингдек, олинган натижалар бир неча бор ТДЮИда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда жамоатчилик ҳуқуқига ҳавола қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижасида олинган ҳулосалар ва амалий натижалар муаллифнинг илмий журналларда чоп этилган 12 та мақолаларида ўз аксини топган. Ушбу мақолаларнинг 5 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига киритилган журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларга мувофиқдир. Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган уч боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 175 бет. Ишга доир 179 манба ва адабиётлардан фойдаланилган. Иловалар 15 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси ифодаланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, унинг мақсад ва вазифалари, методологик ва назарий асослари, илмий янгилиги ва ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳулосалар, тавсия ва қоидалар шакллантирилган, шунингдек, диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Диссертациянинг “Дивидендларнинг ҳуқуқий табиати ва акциядорлик жамиятларида фойдани тақсимлашда уларнинг ўрни” деб номланган биринчи боби уч параграфдан ташкил топган. Унда корпоратив муносабатлар тизимида акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқининг мазмуни, акциядорлик жамиятлари молиялари тизимида дивидендларнинг ҳуқуқий табиати, фойдани тақсимлашнинг ва акциядорлик жамияти дивиденд сиёсатининг ҳуқуқий асослари каби масалалар ёритилган.

Умуман олганда, акцияга бўлган мулк ҳуқуқи акциядорга мулкнинг ва номулкнинг характердаги ҳуқуқлар комплексини беради. Биринчи тоифа ҳуқуқларга дивиденд олиш ҳуқуқи ва жамият тугатилган тақдирда унинг мулкнинг бир қисmini олиш ҳуқуқи қиради, иккинчиларга – акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи, ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ва бошқалар қиради.

Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, акциядорнинг энг муҳим мулк ҳуқуқи – бу дивиденд шаклида жамият фойдасининг бир қисmini олиш

ҳуқуқидир. Лекин, реал субъектив ҳуқуқ сифатида у фақатгина жамият соф фойдага эга бўлганда ва дивидендлар тўланиши ҳақида эълон қилганда, яъни, дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилган тақдирдагина пайдо бўлади.

Тадқиқотда дивидендларнинг асосий ҳуқуқий хусусиятлари ўрганилиб чиқилди. Дивидендларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий табиати ўрганилди, корпоратив ҳуқуқнинг мазкур соҳасидаги ҳозирги ва кейинги ривожланишига таъсир кўлувчи асосий омиллар аниқланди.

Дивиденд сиёсати соҳасидаги замонавий ёндашувлар сифатида шу нарса аниқландики, охириги ўн йилликда дивидендлар роли ошиб бориши кузатилмоқда ва уларни мунтазам тўлаш амалиёти намоён бўлмоқда. Таъкиллаш зарурки, мазкур жараёнлар асосан иқтисодий, сиёсий ва тарихий асосга эгадир.

Бошқа масалалар орасида дивидендларни тўлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва бундай қарорларнинг корпоратив муҳитга таъсири ўрганилди.

Ўтказилган таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, ҳозирги вақтда дивидендлар тўланиши императив (қонунчилик) ва диспозитив (бозор механизмлари) усулларнинг биргалигида таъминланади. Бундай усуллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: биринча тоифа бўйича – корпоратив қонунчилик; иккинчи тоифа бўйича – менеждерлар ва акциядорлар манфаатларининг, менеждерларга йўналтирилган шартномалар гузиб уларга акциялар пакетини бериш орқали бирлаштирилиши; менеждерларнинг улардан мустақил бўлган директорлар кенгаши томонидан мониторинг қилиниши; институционал инвесторларнинг фаоллиги; ғараз мақсадларда ютилиш хавфи ва бошқалар. Мазкур воситалардан хўжалик юритишнинг бозор қонуниятларини инобатга олган ҳолда ўринли фойдаланиши дивидендларнинг самарали режимини таъминлаш имконини беради.

Бунда, мажбурият механизмларининг мавжуд бўлишига қарамай, фойдали тақсимлашнинг асосий муаммоси – бу дивидендларни тўлаш ёки қайта сармоялашни амалга оширишдан бигасани танлаш – ҳанузгача долзарб муамمودир.

Бунда, мазкур тадқиқотнинг мақсади бўлиб мазкур муаммонинг ягона умумий счимини топиш эмас. Умуман олганда, у ёки бу усулни танлаш тўғрисидаги масала ҳуқуқий тадқиқотларнинг предмети эмасдир. Фикримизча, корпорациянинг мулкий муносабатлари соҳасидаги бизнес ечимларининг хилма-хиллиги табиийдир. Дивидендларни тўлаш ёки тўламашлик масаласи ҳар бир аниқ ҳолатда алоҳидадир ва мавжуд иқтисодий ҳолат, корпорация ичидаги ва ташқарисидаги объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, капитал сармоялашнинг предмети ташкил этади, бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиётининг хусусиятидир.

Мазкур масалада ҳуқуқ нормаларининг тартибга солувчи имкониятлари акциядорларнинг расмий тенглиги ва қўрилаган корпоратив ҳаракатларининг бир хилда ошқора эълон қилинишига қаратилган бўлиши керак.

Дивиденд сиёсатига тааллуқли бўлган масалалар кўпинча мажоритар ва миноритар акциядорларнинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятнинг ташкил этади. Йирик акциядорлар учун акциялар компания устидан назорат олиб бориш учун зарур бўлиб, дивиденд даромадлари бунда ушчалик аҳамиятга бўлмайди. Миноритар акциядорлар эса айнан дивидендлар олишдан манфаатдордирлар. Назорат қилувчи акциядор олатда фойдани ўз бизнесига қайта сармоялашга интилади ва дивидендларни камроқ тўлашга интилади.

Афсуски, айнан шу сохага тегишли бўлган акциядорлик жамиятлари ва кимматли коғозлар тўғрисидаги амалдаги қонунчилик нормалари ўзларининг ички қарама-қаршиликлари билан фарқланади, натижада акциядорлар томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятлари камаяди, бу ўз навбатида акциялар бозорининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мазкур муаммонинг асосий ҳолатлари чуқур таҳлил қилинишга муҳтождир.

Замонавий шароитларда акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилишининг энг кенг тарқалган усули дивидендларни тўламаслик (тўлик тўламаслик ёки вақтида тўламаслик) ҳисобланади. Корпоратив муносабатларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қонун чиқариш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти фойда мавжуд бўлган пайтда дивидендларнинг кафолатли равишда олинишини ривожлантирилиши бу борада зарур ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилиши кераклигини кўрсатади. Мазкур мақсадларда жамиятларнинг ички тартибга солувчи функцияларини ишга солиш орқали, яъни, фойдани тақсимлаш масалаларини, даромадлар ва ҳаражатлар ҳақида маълумотларнинг ошқоралигини таъминлашни ва дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик тартибини, дивидендлар тўлашга чеклашларни қўллашни етарли даражада чуқур тартибга солиш имконини берадиган ички ҳужжатлар ёрдамида амалга ошириш юқори самара беради деб ҳисоблаймиз.

Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, фойдани тақсимлаш муаммосини жамият соф фойдасининг дивидендлар тўловига қаратиладиган минимал мажбурий улушини (фоизини) қонунчиликда белгилаш билан ечиш мумкин деган фикрни билдирадilar. Бизнинг фикримизча, мазкур усулни қўллаш масаласини бизнинг қонун чиқарувчи органлар томонидан батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки, Ўзбекистонда корпоратив муносабатлар нисбатан янги ривожланаётган соҳа бўлганлиги учун, акциядорлар манфаатларини ҳеч бўлмаганда дастлабки даврларда шундай усулда таъминлаш мумкин бўлар эди.

Концептуал нуқтан назардан эса акциядорларнинг акциялари бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқларини кенгайтириш керак бўлиб, бу масала қонунда аниқ мустаҳкамланиши керақдир. Бунда ҳам бу ҳуқуқдаги чеклашларни, ҳам бундай ҳуқуқни суистеъмол қилганлик учун шахсий жавобгарликни ҳам белгилаш керақдир.

Айни вақтда шу нарсаи ҳам инобатга олиш зарурки, дивиденд сиёсати қўп жиҳатдан акциядорлик капиталининг тузилиши ва жойлашувига ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасидаги кўпгина акциядорлик жамиятлари «оёкка туриш» босқичида бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш учун инвестиция ресурсларга муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам табиийки, уларни дивиденд сиёсатларининг асосий йўналишларидан бири фойдани молиялашнинг акциядорлар ўртасида тақсимлаб беришдан устунроқ қўйишидир.

Дивидендларнинг корпорация молиясидаги роли ва ўрнини кўриб чиқар эканмиз, акциядорлик жамиятларида дивидендларнинг кафолатли тўланишини таъминлаш учун дивиденд фондини яратиш, корпорация молиясининг тизимини оптималлаштириш, шунингдек дивидендларнинг шакллари, тўпланиши ва сарфланишининг ошқоралик режимини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Бунда, дивиденд фонди маблағларини, улар қисқа муддатли депозитларда жойлаштирилгунга қадар, уларни тўплаш мақсадларида ёки қорхонанинг айланма капиталида фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тартибга солиш тизимини нафақат акциядорларнинг дивидендларга бўлган маънафатларини таъминлашга, балки фойдани қайта сармоялашга қаратилишининг ҳуқуқий ошкор этилишига ҳам қаратиш керак, чунки миллий акциядорлик қонунчилигимиз акциядорларнинг ҳуқуқларини жамият томонидан қайта сармоялаш амалга оширалаётганда махсус ҳимоя қилишга унчалик катта эътибор қаратилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Акцияларнинг алоҳида турлари бўйича дивидендларни эълон қилиш ва тўлаш хусусиятлари” деб номланиб, ушбу боб ҳам уч параграфдан ташкил топган. Унда акция акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи қимматли қоғоз эканлиги, дивидендлар классификацияси ва алоҳида турдаги акциялар бўйича уларнинг тўланишини таъминлашнинг ҳуқуқий хусусиятлари, оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашнинг ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари ақс эттирилган.

Акциянинг қимматли қоғоз сифатидаги асосий хусусияти шундан иборатки, у томонидан тақдим этиладиган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар корпорацияда аъзоликка бўлган комплекс ҳуқуқларни тақдим этади. Акцияларнинг мазкур функциясига асосланиб, уларни корпоратив, яъни, акциядорлик жамиятининг ишларида иштирок этиш ҳуқуқини белгиловчи қимматли қоғозларга қаторига киритиш қабул қилингандир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қимматли қоғознинг ҳуқуқий тушунчаси акциядорнинг номулкӣ ҳуқуқлари категориясини тўлиқ ифода эта олмаган ва шунинг учун мавжуд тушунчаларни акцияларга эътибор қилишдан келиб чиқадиган номулкӣ ҳуқуқларни ифода этиш борасида тўлдиришни мақсадга мувофиқ буларди деб ҳисоблаймиз.

Ундан ташқари, баъзи муаллифларнинг номулкӣ корпоратив ҳуқуқларнинг квази фуқаролик-ҳуқуқий конструкциялар сифатидаги ва уларга мулкӣ ҳуқуқларни тайёрлаш ва ташкил этиш воситаси сифатидаги фикрига қўшилиш нотўғри бўлар эди. Ақсинча, бундай ҳуқуқлар мустакил аҳамиятга эга бўлиб, баъзида акциядор учун улар мулкӣ ҳуқуқларга кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, акциянинг корпорацияда аъзолик ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз сифатидаги асосий белгиси шундан иборатки, у томонидан тақдим этиладиган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар бир-бири билан боғлиқдир, ва бундан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, акция корпорацияда аъзолик ҳуқуқини белгиловчи ўзига хос ҳуқуқлар комплексини тақдим этади.

Шунингдек акцияларнинг турли шилари ва турлари бўйича дивидендларни тўлашнинг ҳуқуқий хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Хусусан, шу нарса аниқландики, амалдаги қонунчиликка кўра акциядорлик жамиятлари оддий акцияларни, ва бир ёки бир нечта хил имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлиқлар.

Халқаро амалиётда, юрисдикциядан келиб чиққан ҳолда, акциялар шиларига кўра эгаси ёзилган ва эгаси ёзилмаган акцияларга бўлинсада, миллий АЖ тўғрисидаги Қонунимиз фақатгина эгаси ёзилган акцияларни эмиссия қилиш имкониятини назарда тутди. Акциядорлик жамиятларининг фаолиятини тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқий амалиётига кўра, эгаси ёзилган, яъни, номинатив акциянинг эгаси бўлиб исми акцияда ёзилган ва жамият

акциядорлари реестрига киритилган жисмоний ва юридик шахс бўлиши мумкин. Эгаси ёзилмаган акциянинг эгаси узи ушлаб турувчи шахс ҳисобланади. Эгаси ёзилмаган акциялар бошқа шахсларнинг мулк ҳуқуқига жамият акциядорлари реестрига киритмасдан ўтказиши мумкин.

Айни вақтда биз томондан ҳозирги шароитларда акцияларни хилларга кўра бўлиш уларнинг табиати туфайли мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги тезис илгари сурилади. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг акцияга бўлган мулк ҳуқуқлари асосида келиб чиқишини ва кўпгина корпоратив ҳаракатлар, яъни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендларни тўлаш, маълумотни ошкор қилиш ва бошқалар реестрдан кўчирма асосида олиб борилишини инобатга олсак, априор акция эгаси ёзилган акция ҳисобланади. Эгаси ёзилмаган акциялар реестри олиб борилмаслигини инобатга олсак, эгаси ёзилмаган акциялар уларнинг эгаларини жамиятни бошқариш ишларида катнашиш ҳуқуқларини чеклаб қўйишини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ЎзР АЖ тўғрисидаги Қонунда фақатгина эгаси ёзилган акциялар эмиссия қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги талабнинг мавжудлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Акцияларнинг турлари (тонфалари) бўйича таснифланиши тўғрисида гапирар эканмиз, бундай таснифланишга асос бўлиб у ёки бу турдаги акция унинг эгасига тақдим этадиган ҳуқуқлар йиғиндиси ҳисобланади.

Оддий акциялар ўз эгаларига овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини, ва шунингдек дивидендлар олиш ҳуқуқини, жамият тутагилаётганда эса – унинг мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини берадилар.

Имтиёзли акция унинг эгасига миқдори олдиндан белгиланган дивидендни олдинги навбатда олиш ҳуқуқини беради, ва унинг миқдори маълум пул миқдорига ёки акцияларнинг номинал қийматидан фоизларда белгиланади, шунингдек, жамиятнинг тугатилишида, акцияларнинг қолшиқ қийматининг тўланиши ҳуқуқини оладилар. Ундан ташқари, имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига маълум дивидендларни жамият фойдаси мавжуд бўлишига карамай олиш ҳуқуқини берадилар. Бунда жамиятнинг имтиёзли акциялари акциядор-эгалари, баъзи истисно ҳолатлардан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқига эга эмасдирлар.

Мазкур масалада, акциялари «овоз берувчи» акцияларга айланган имтиёзли акциялар эгаларининг ҳуқуқларининг доираси масаласида ноаниқлик мавжуддир. Хусусан, имтиёзли акциялар эгаларининг акциядорлик жамиятини бошқариш бўйича ваколатларининг аниқ ҳажми қонунчиликда белгиланмаган.

Имтиёзли акциялар шунингдек конвертация қилинадиган бўлиши мумкин ва бу уларнинг оддий акцияларга ёки бошқа турдаги имтиёзли акцияларга айлантирилиши мумкинлигида намоён бўлади. Имтиёзли акциялар, улар бўйича тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган дивидендлар тўпланса ва тўланса, улар кумулятив бўлиши мумкин (кумулятив имтиёзли акциялар).

Кўрилатган тур акциянинг алоҳида тури сифатида имтиёзли оддий акцияни кўрсатиш лозимдир. Бундай акция оддий акция ҳисоблансада, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланган тақдирда, у бўйича белгиланган миқдордаги дивиденд тўланади. Бир қатор ҳолларда жаҳон амалиётида орқага чақириладиган имтиёзли акция каби ҳодисани ҳам кузатиш мумкин. Бундай

акция эмитент компания томонидан, ўз ташаббуси билан, орқага сотиб олиниши ва муомаладан олиниши мумкин.

Шунингдек тадқиқот доирасида майдаланган акцияларнинг масалалари кўриб чиқилган. Бундай акциялар эгаларига мазкур турдаги (тоифадаги) акция тақдим этилган ҳуқуқларни, акциянинг ташкил этган қисмига муносиб ҳажмда тақдим этидилар.

Хусусан, маълум бўддики, миллий АЖ тўғрисидаги Қонунда майдаланган акциянинг тушунчаси кўрсатилмаган, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиши ҳолатлари ҳам кўрсатилмаган бўлиб, бизнинг фикримизча бундай ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилиши ва зарур ҳуқуқий тартибга солиш чоралари кўрилиши зарурдир.

Дивидендлар типологияси бевосита кўриб чиқилар экан, тўланишининг даврларига қараб улар йиллик (яқуний) ва оралик (чорак, ярим йиллик) дивидендларга бўлинади.


Хусусан, оралик (чорак, ярим йиллик) дивидендларни тўлаш тўғрисидаги, ва шунингдек ҳар бир акция тури бўйича уларнинг миқдори ва шаклини белгилаш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Ўз навбатида, йиллик дивидендларни тўлаш, ва ҳар бир акция тури бўйича уларнинг миқдорини ва шаклини белгилаш ҳақидаги қарор кузатув кенгашининг тавсиясига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бунда, йиллик дивидендларнинг миқдори кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан юқори ва тўланган оралик дивидендлардан кичик бўлиши мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, бундай тартиб акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўяди, шунинг учун қонуқчиликдан олиб ташланиши керак.

Шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг маълум турлари бўйича дивидендларни тўламаслик ҳақидаги, ва шунингдек дивидендлар миқдори уставда белгиланган имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлик ҳажмда тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳақидаги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда агар дивидендларнинг тўланиши акциядорлик жамиятининг молиявий-ҳўжалик аҳволининг жиддий ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлса, дивидендларни тўлашни чеклаш тўғрисидаги талаб мавжуддир. Лекин бундай талаб фақат оралик дивидендлар тўланишига тааллуслидир.

Шунингдек, акциядорлик жамияти қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор қабул қилишга ҳақли эмасдир: жамият устав фондининг тўлик тўлангунига қадар; агар дивиденд тўлаш пайтида у тўловга қобилятсизлик (банкротлик) аломатларига жавоб берса; агар жамият соф активларининг миқдори унинг устав фондининг миқдоридан камроқ бўлса.

Айни вақтда қонуқчилик фойда мавжуд бўлганда дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга чеклашлар ўрнатмайди. Шунинг учун акциядорлик жамияти мазкур маблағларни қайта сармоялашга, капитализацияни оширишга, ва бошқаларга қарагиши мумкин. Шундай экан, қонуқчилик қуйидаги тамойилга асосланади: дивидендларни тўлаш акциядорлик жамиятининг мажбурияти бўлмай ҳуқуқидир. Шунинг учун бу ерда шартномавий муносабатларидаги каби, акциядорларнинг дивиденд олиш ҳуқуқи



жамиятнинг мазкур дивидендларни тўлаш мажбуриятига тўғри келади дейиш нотўғри бўлади.

Ўзбекистонда қонуничлик фақатгина эълон қилинган дивидендларни тўлаш талабини ўрнатади. Дивидендни тўлаш пул шаклида, ва шунингдек тўловнинг бошқа воситаларида амалга оширилиши мумкин. Дивидендлар тўлаш манбаи бўлиб жамиятнинг қуйи йил учун соф фойдаси ҳисобланади. Маълум турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар улар учун махсус мўлжалланган жамият фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Шундай қилиб, қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида акцияларни ва улар бўйича тўланадиган дивидендларни хилма хиллаштиришни рағбатлантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда, мазкур тоифа акциядорлар ҳуқуқлари аниқ белгиланиши керак деб ўйлаймиз, чунки фақат шундай қилибгина акциядорлар манфаатлари ўртасидаги тўқнашувнинг олдини олиш мумкиндир.

Диссертациянинг учинчи боби “Акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” деб номланган. Ушбу боб уч параграфдан иборат. Унда акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқининг қонунчиликда таъминланиши, акциядорларнинг дивиденд олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари ва дивиденд сиёсатини такомиллаштириш муаммолари, фойдани тақсимлаш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимояси борасидаги ҳуқуқий регламентация тизими ўзининг умумий характерга эга бўлган ва айниқса, мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг хусусиятини ёритмайдиган бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан акс эттирилган.

Бундан ташқари, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатиб турибдики, Ўзбекистонда ички корпоратив бошқарув имтиёзлари тўла ҳажмда амалга оширилмаяпти.

Мазкур қайд қилинганларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда, «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ташаббуси киритилди. Бизнинг фикримизга кўра, бу фойдани тақсимлаш соҳасидаги акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янги сифатдаги даражага олиб чиқади. Ушбу масалада миллий акциядорлик жамиятларининг акциядорлар умумий йиғилишларида «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилишини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни пайтда, корпоратив муносабатларда бу каби амалиётнинг кенг қўлланилмаётганлигини инобатга олиб, лойиҳавий намунавий характерга эга бўлган ва миллий акциядорлик жамиятларига ўз фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, шароитларига мослаштира оладиган «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Намунавий низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Компаниянинг дивидендлар сиёсатини тартибга солишчи ҳужжатлар билан мустаҳкамланган меъёрларнинг мавжуд бўлиши акциядорларга бир марта қабул қилинган қарорлар қайта кўрилмаслигига кафолат беради.

Ушбу тадқиқот доирасида акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги миллий қонунчилик талабини, корпоратив бошқарувнинг юқори тамойилларини ҳисобга

олган ҳолда «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Намунавий низомнинг муаллифлик лойиҳаси тақдим қилинди.

Мазкур жараённинг иқтисодий жиҳатларини ҳам унутмаслик зарур. Чунки, корпоратив бошқарув тизими ривожланган давлатларда мажбурлов механизми айнан бозор қонунарига асосланади ва имкон қадар максимал инвестицион оқимларни жалб қилишга интилиш билан таъминланади. Бу эса, дастлаб мукамал тузилган дивиденд сиёсати мавжудлиги зарурлигини назарда тутати.

Аммо ўтказилган таҳлилдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилмаганлиги ва ушбу салбий жиҳатнинг фонд бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги жиҳати билан биргаликдаги кўриниши замонавий бозор муносабатларига мос бўлган корпоратив муносабатлар тизимини ушлаб турган омил бўлмоқда.

Бизнингча, ушбу муаммонинг ечими қуйидагилар: фонд биржаси бозор инфраструктурасининг келгуси ривож; ўзини-ўзи бошқариш институтларининг мазкур соҳадаги бозор жараёнларига таъсирини кучайтириш; фонд бозори устидан давлат назоратини қисқартириш ва бир қатор ҳолатларда давлатнинг бозор муносабатларига асоссиз аралашувига қарши курашиш бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси корпоратив секторининг акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини ҳуқуқий тартибга солишни яхшилаш қисмини эркинлаштиришга қаратилган ва эълон қилинган курсини инобатга олган ҳолда, айрим тартибга солиш функцияларни давлат органларидан олиб, акциядорларнинг ўзини ўзи бошқариш бирлашмаларига ўтказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари ахборот таъминотининг ҳозирги кундаги аҳволи, капитал тузилиши, фойдани тақсимлаш сиёсати ва дивиденд тарихи тўғрисидаги ахборотнинг етарли эмаслиги ва қабул қилиш имконияти кам бўлганлиги билан изоҳланади. Бу эса акциядорлар ва доимий инвесторларни акциядорлик капиталида иштирок этиш юзасидан чуқур ўйланган ва тўғри қарор қабул қилиш имкониятидан маҳрум қилади.

Шунинг билан бирга, акциядорлик жамиятлари акциялар бўйича ҳақиқатда тўланган дивидендлар миқдори ва облигациялар бўйича фонслар, яъни, эмитентнинг қимматли қоғозлар бўйича фойда тарихи каби муҳим аҳамиятли ахборотларни ошқор қилиш лозим.

Акциядорлар акциялар ҳолати ҳақидаги ахборотларни кўпроқ деталлаштиришни талаб қилади. Шу муносабат билан, йирик акциядорлар улгушларининг ўзгариш тарихи тўғрисидаги ахборотларни тўлиқроқ ошқор қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон корпоратив секторининг ошқоралигини ошириш мақсадида халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларини кенг сингдиришнинг самарали ва қулай қонунчилик асосларини яратиш лозим. Бундан ташқари, яқин ҳудуддаги давлатлар фонд бозорларининг ҳисобот ва клиринг, электрон савдо ва депозитар хизматлар кўрсатиш халқаро тизимларига интеграциялашувини таъминлаш аҳамиятлидир. Шунингдек, миллий бозорларимизга мустақил халқаро рейтинг агентликларини, таҳлил компанияларини ва тадқиқот институтларини жалб қилиш лозим.

Акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда фонд бозори

ривожланган давлатларнинг тажрибасини, уларни тегишли институтларнинг ҳукукий тартибга солишнинг умумтан олинган стандартларига яқинлаштириш мақсадида, ҳисобга олиш лозим. Шу ўринда, миллий иқтисодий ва ҳукукий тизимларнинг ривожланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, бошқа ҳукукий тизимлар юридик элементларининг механик кўчишларига йўл қўймаслик лозим.

Одатда, иқтисодиёти кучли ривожланган давлатларда акциядорлар бошқарувнинг ҳаракатларидан норози бўлган тақдирда, ўз акцияларини фонд бозорларида ёки манфаатдор инвесторларга сотиши мумкин. Манфаатдор инвестор акциядордан акцияларнинг назорат қилувчи пакетини сотиб олиши ва самарасиз бошқарувни ўзгартириши мумкин. Шу сабабли, менеджерлар тегишли мулкдорларнинг талабларини қондириш ва узок муддатта уларнинг содиқлигини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлади.

Лекин, бизнингча, Ўзбекистон фонд бозорининг юқори бўлмаган эгилувчан шароитларидаги бошланғич босқичда, акциядорлар томонидан компания акцияларини сотиш муҳим самара бермайди. Чунки, миллий акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаётган босқичи билан бир вазиятда капиталлашуви корпоратив назоратни ушбу механизмда тўлиқ ҳажмда ҳаракатланиш имконини бермайди.

Ушбу позицияни ривожлантириришда шунини таъкидлашни истардикки, Ўзбекистон Республикасидаги бозор муносабатлари шаклланишининг мавжуд шароитида, корпоратив муносабатларнинг англо-саксон тизими ўзининг барча объектив устуликларини ҳисобга олганда ҳам, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишнинг миллий тизими учун мақбул эмас.

Шунга асосланган ҳолда, биз англо-саксон корпоратив ҳуқуқининг ҳукукий тузилмаларини амалга ошириш ихтиёрий тусда бўлиши лозим деган қондани илгари сураимиз. Чунки, миллий фонд бозорининг шаклланиш ва унинг юқори бўлмаган капиталлашуви шароитларида кўпчилик тadbирларнинг амалга оширилиши қийин, кўпчилик ҳолларда эса, умуман мумкин бўлмайди.

Шундай қилиб, акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тараққиёт истикболларига нисбатан қуйидагича ёндашуви белгилаш мумкин. Ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий вазифаси, барча акциядорларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдир. Акциядорлар ҳақиқий тенглигини таъминлаш деганда, фақатгина бир туркумдаги акцияларнинг тенг миқдорига тўғри келадиган ҳуқуқларнинг тенглигини эмас, балки, акциядорлик жамиятида иштирок этиш билан боғлиқ мулкый манфаатларнинг амалга оширилиш имкониятлари мавжудлигини тушуниш лозим.

Буларнинг барчаси яқуний ҳисобда кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришда ва Ўзбекистон аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашда асосий рол ўйнайди.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра қатор назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулоса, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, мавжуд фикрлар, хулосалар кенгайтирилди ҳамда қуйидаги хулосаларга келинди:

Назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар. Замоनावий корпоратив бошқарув, асосий тартибга солиш вазифасини корпоратив конунчиликнинг турли ҳуқуқ соҳаларидан таркиб топганлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд бўшлиқларни самарали тўлдириш имконига эга бўлган ҳамда эгилувчан конунчилик тузилмаларидан фойдаланган ҳолда ўзгараётган иқтисодий шароитга тез таъсир кила оладиган локал ички корпоратив ҳужжатларга юқлатиш лозим эканлигини назарда тутати.

Ўзбекистонда бу каби амалиёт етарли даражада тадбиқ қилинмаётганлигини инобатга олиб, миллий акциядорлик жамиятлари томонидан «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низомнинг ишлаб чиқилиши, акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини жиддий кучайтириши ва қонуний тартибга солишининг, акциядорлик жамиятлари фаолияти соҳасидаги муносабатларнинг амалдаги тизимига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиши орқали, Ўзбекистон корпоратив секторининг кайфиятини намойиш қилиши мумкинлигини эътироф этган бўлардик.

Бизнинг фикримизча, ушбу соҳадаги бошланғич босқичда асосий қадамлардан бири қонун даражасида «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Намунавий низомнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бўлади. Шу ўринда, мазкур Низом лойиҳавий намунавий характерга эга бўлиши, миллий акциядорлик жамиятларига мазкур Низом тузилмаларини ўзида қўллашга имкон бериши ва ўз фаолиятининг ўзига хослиқларидан келиб чиққан ҳолда, ўз шароитларига мослаштира оладиган бўлиши лозим.

Ушбу низом акциядорларга дивиденд тўловлари миқдорини аниқлаш тамойилларини тушунтиришга қодир бўлиши асосий аҳамиятга эга. Компаниянинг дивиденд сиёсатини тартибга солишининг ўрнатилган меъёрий ҳужжатларининг мавжудлиги акциядорларга бир маротаба қабул қилинган қарорлар қайта кўрилмаслигига қафолат беради.

Биз томонимиздан, ушбу муаммога доир «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Намунавий низом ишлаб чиқилди ва тақдим қилинди. Низом меъёрлари акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг таклиф қилинган концепцияси асосида корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлари ва тамойиллари матнида шакллантирилди.

Бундан ташқари, ушбу соҳага оид бўлган акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги амалдаги конунчилик меъёрларида қарама-қаршилиқ мавжуд бўлиб, улар акциядорлар томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини пасайтиради ва акция бозори шароитига салбий таъсир ўтказди. Мазкур муаммонинг асосий жиҳатлари сиңчковлик билан таҳлил қилиниши зарур.

Замоनावий шаронтларда, акциядорлар ҳуқуқлари бузилишининг кенг тарқалган тури дивидендларни тўламаслик (тўлик ёки ўз вақтида тўламаслик) дир. Корпоратив муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, конунчилик ва ҳуқуқ тарғибот амалиёти, бизнинг фикримизча, тегишли ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш орқали фойда мавжуд бўлган тақдирда дивиденд олишни қафолатлайдиган йўналишида ривожланиши лозим.

Ушбу мақсадда, корпорацияларнинг фойдани тақсимлаш масалаларини умумий тартибга солиши мумкин бўлган локал ҳужжатларида тартибга солиш функцияларини фаол ҳаракатга тушириш, фойда ва харажатлар ҳақидаги

ахборотлар ошкорлашувини таъминлаш, дивиденд тўлаш ёки тўламаслик ҳақидаги қарорларни қабул қилиш тартибини батафсиллаштириш орқали эришиш мумкин.

Корпоратив бошқарув тизимининг самарали тизим акциядорларнинг, жамиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган ўз ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳақиқий имкониятларини таъминлашга қаратилган. Ушбу масалаларда асосий эътибор акцияларни мулк ҳуқуқининг қулай ва самарали воситаларига қаратилиши лозим.

Акцияларга нисбатан мулк ҳуқуқи, акциядорларнинг ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли бўлган акциялардан эркин равишда фойдаланиш, улар билан боғлиқ қонунга хилоф бўлмаган ва бошқа шахсларнинг қонуни билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини бузмайдиган барча ҳаракатларни бажариш, шу жумладан, ўз акцияларини бошқа шахсларга тасарруф этиш имкониятини кўзда тутати.

Акцияларнинг корпорациядаги аъзолик ҳуқуқини белгиловчи қимматли қоғоз сифатидаги асосий хусусияти, бу акция томонидан яратилган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги бўлиб, акция корпорацияда аъзо бўлишни кўзлайдиган ўзига хос ҳуқуқлар мажмуаси деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Акциядорнинг дивиденд олишга бўлган ҳуқуқи ва шундан келиб чиққан ҳолдаги акциядорлик жамиятининг дивиденд тўлаш бўйича мажбуриятлари амалда энг сўнгги юридик омили акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивиденд тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилиш бўлган мураккаб таркибнинг мавжудлигида пайдо бўлади.

Акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисmini дивидендларга тақсимлашни кўзда тутовчи мажбурий талабга асосланмаслиги лозим деб ҳисоблаймиз

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондаги ислохотларнинг замонавий босқичида бўлгани каби, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимларнинг либераллашувига амал қила туриб, акциядорлик жамиятлари томонидан дивиденд тўлашни рағбатлантирувчи тадбирлар мажмуасини қонунчилик даражасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Акциядорлик жамиятларига компания фойда олган барча ҳолларда оддий акциялар бўйича дивиденд тўлаш ҳақидаги талабни қўллаш акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилишнинг унчали самарали воситаси ҳисобланмайди. Бу эса, фойдани қамайтириш мақсадида молиявий ҳисоботларни манипуляция қилишга ва оқибатда дивидендлар қиймати камайишига ҳамда акциядорларнинг фойдани адолатли тақсимлашда иштирок этишдан иборат асосий ҳуқуқининг бузилишига олиб келади.

Шу ўринда, фойдани қайта инвестициялашга йўналтиришда, акциядорларни бу ҳақда қабул қилинган қарорлар ва уларнинг амалдаги ижроси ҳақида мажбурий тартибда хабардор қилган ҳолда, компания фойдасини бошқа мақсадларга тақсимлаш тўғрисидаги аниқ қонунчилик жараёнини белгилаш зарур.

Шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш тизимини, фақатгина акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга эмас, балки, уларнинг фойдани қайта инвестициялашга қаратиш масалаларида иштирок

этидини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилашга моҳиятан йўналтириш лозим. Чунки, миллий акциядорлик қонунчилиги меъёрлари асосан, акциядорлик жамиятлари томонидан қайта инвестициялашни амалга ошириш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашмаган.

Шундай қилиб, қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида акция ва улар бўйича тўланилган дивидендларни хилма-хиллаштиришни рағбатлантириш зарур. Бу ҳолатда ушбу тоифалар ўртасида, акцияларга бўлган ҳуқуқ ҳажмини асоссиз равишда кенг ёки аксинча, тор маънода изоҳлаш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни олдини олиш мақсадида, қатъий чегарани ўрнатиш муҳимдир.

Умуман олганда, мазкур масалада дивиденд сиёсатини такомиллаштириш қуйидагиларга қаратилиши керак:

- дивидендлар миқдорини белгилашнинг ошқор ва тушунарли механизмини яратиш;

- акциядорлар учун энг маъқул бўлган дивидендлар тўлаш тартибини таъминлаш;

- эълон қилинган дивидендларнинг тўлиқ бўлмаган ёки ўз вақтида тўламаслиқни олдини оладиган чоралар комплексини яратиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

Биринчидан, ЎЗР АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 54-моддаси 2-қисмига ўзгартириш киритиш зарур бўлиб, унда жамиятда соф фойда мавжуд бўлган тақдирда белгиланган минимал дивидендлар миқдорини тўлаш тўғрисидаги талабни белгилаш зарурдир. Бундай таклиф ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиёти шароитига мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз, чунки акциядорларда дивиденд олишларига ишончнинг мавжуд бўлиши Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларига капитални самарали жалб қилиш имконини беради.

Иккинчидан, ЎЗР АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддаси 5-қисмини акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтганидан кейин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддат ичида акциядорларнинг умумий йиғилишида «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низомни тайёрлаш ва тасдиқлаш талабини ўрнатиш билан тўлдириш;

Учинчидан, қонунчилик даражасида «Дивиденд сиёсати» тўғрисидаги Намунавий низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бу мақсадда, амалдаги қонунчилик ва уни такомиллаштириш истикболлари, шунингдек дивиденд сиёсатининг замонавий долқаро тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур диссертация тадқиқоти доирасида «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Намунавий низом ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига доир амалий тавсиялар:

Турли соҳалардаги ва миллий корпоратив бошқарув тизимларининг қиссий таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича асосий оғирлик давлат органлари зиммасига тушади ва асосан маъмурий чораларга таянади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тизимида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича

маълум қонунчилик базасининг яратилганлигини ҳисобга олган ҳолда, АЖ томонидан ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилишнинг самарадорлигини ошириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш таклиф этилади ва у ўз ичига қуйидагиларни киритиши лозим деб ҳисоблаймиз:

– биринчидан, хусусий махсус ахборот ва таҳлил агентликларини ташкил этиш ва жалб қилиш;

– иккинчидан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмиталари ва турли ассоциациялар каби фаолияти акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган махсус нодавлат ташкилотларини ташкил этиш.

Халқаро стандартларни унификация қилиш соҳасида миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда қонунчилигимизга қуйидагиларни жорий қилиш муҳим деб ҳисоблаймиз: Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти (ингл. киск. IOSCO) Техник қўмитасининг «Мижозларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деб аталмиш тавсияларини ва Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилотининг ривожланаётган қимматли қоғозлар бозори мамлакатлари учун «Қимматли қоғозлар бозори ривожланаётган давлатларда коллектив инвестицияларнинг дастурлари» деб аталмиш тавсиялари.

Ҳозирги акциядорлик инвестиция фаолияти ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, акциядорларни ва келажакдаги инвесторларни акциядорлик жамиятининг дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиблари тўғрисидаги тўғри ва тўлиқ маълумот билан таъминлаш механизмлари яхши ривожланмаган. Бунда акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги маълумотни самарали ошқор қилиш муаммоси нафақат корпоратив бошқарувнинг ривожланаётган тизимларида, балки ривожланганларида ҳам муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

– биринчидан, акциядорлик жамиятлари томонидан реал тўланган дивидендлар миқдори каби маълумотни ошқор қилишга мажбур қилиш. Акциядорлик капиталининг тузилиши, фойдани тасдиқлаш сиёсати ва дивиденд тарихи ҳақидаги аниқ маълумот ошқор қилиниши керак. Буларнинг барчаси акциядорларга ва келажакдаги инвесторларга акциядорлик капиталида ва фойдани тақсимлашда иштирок этиш бўйича чуқур ўйланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

– иккинчидан, молиявий ҳисобдорлик қондаларини қўлланилишини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бу мақсадларда Молиявий ҳисобдорликнинг халқаро стандартлари (МХХС) талабларини миллий акциядорлик жамиятларининг амалиётига жорий қилиш. Фикримизча, миллий акциядорлик жамиятлари томонидан МХХСнинг қўлланилиши чет эл инвесторларига Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоялар киритиш бўйича объектив қарорлар қабул қилиш имконини беради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахмадждонова З.О. Дивидендларнинг ҳуқуқий моҳияти // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2005. – №3-4. – Б.43-46.
2. Ахмадждонова З.О. Акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган ҳуқуқларини қонуний таъминлаш усуллари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2006. – №4. – Б.27-30.
3. Ахмадждонова З.О. Акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатининг ҳуқуқий асослари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2007. – №3. – Б.36-40.
4. Ахмадждонова З.О. Дивидендларнинг таснифланиши ва акцияларнинг алоҳида турлари бўйича уларни тўлашни таъминланишининг ҳуқуқий хусусиятлари // Фан ва ёшлар. – Тошкент, ТДЮИ, 2008. – №1. – Б.54-56.
5. Ахмадждонова З.О. Акция акциядорнинг дивидендга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз сифатида // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2008. – №1. – Б.35-38.
6. Ахмадждонова З.О. Имтиёзли ва оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари // Фан ва ёшлар. – Тошкент, ТДЮИ, 2008. – №2. – Б.46-50.
7. Ахмадждонова З.О. Акциядорларнинг дивидендларни олиш ҳуқуқининг мазмуни // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси. – Тошкент, 2007. – №4. – Б.70-75.
8. Ахмадждонова З.О. Даромадни тақсимлаш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш йўллари // Фан ва ёшлар. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. – №2. – Б.29-33.
9. Ахмадждонова З.О. Акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган ҳуқуқларини химоя қилиш муаммолари // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари. Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари. – Тошкент, ТДЮИ, 2006. – Б.159-163.
10. Ахмадждонова З.О. Правовая природа права акционероv на дивиденды и механизмы его защиты // Хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари. Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари. – Тошкент, ТДЮИ, 2007. – Б.35-37.
11. Ахмадждонова З.О. Акция акциядорнинг дивидендга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз сифатида // Фан ва ёшлар. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. – №3.
12. Ахмадждонова З.О. Акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқини химоя қилиш механизмлари ва дивиденд сиёсатини такомиллаштириш муаммолари // Фан ва ёшлар. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. – №1.

Юридик фаиллар номзоди илмий даражасига талабгор Ахмаджонова Зухраҳон Орифжоновнанинг 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро ҳусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича «Акциядорлик жамиятларида дивидендлар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: дивиденд, дивиденд сиёсати, акция, оддий акция, имтиёзли акция, кумуллятив акция, айирбошланадиган акция, миноритар акциядор, мажоритар акциядор, қимматли қоғозлар.

Тадқиқот объектлари: халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ва стандартларни, шунингдек ривожланган иқтисодий ва ҳуқуқий тизимлар мавжуд бўлган давлатларнинг мазкур иқтимоий муносабатларни тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик нормалари.

Ишнинг мақсади: акциядорлар жараёнларини рағбатлантириш ва Ўзбекистон корпоратив сектори иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратишнинг ҳуқуқий муаммоларининг комплекс таҳлилини амалга ошириш ва шу асосда миллий қонунчилигимиз ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: концептуал, тарихий, муаммоли-мақсадли, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, конкрет-тарихий, мантиқий ва илмий ўрганишнинг бошқа усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари умумий комплекс таҳлили амалга оширилди. Тадқиқот натижалари асосида қуйидагилар тақлиф қилинди: акциядорлик жамиятларига “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш мажбуриятини юклаш; жамиятда соф фойда мавжуд бўлган тақдирда белгиланган минимал дивидендлар миқдорини тўлаш тўғрисидаги талабни белгилаш; Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти (ингл. қисқ. IOSCO) Техник қўмитасининг «Мижозларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деб аталмиш тавсияларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш.

Амалий аҳамияти: Диссертация материалларидан илмий ишлар, дарсликлар ва методик қўлланмаларни яратишда, шунингдек олий ўқув юртиларида «Фуқаролик ҳуқуқи», «Корпоратив ҳуқуқ», «Хўжалик ҳуқуқи», «Молия ҳуқуқи» фаиллари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланилиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш бўйича алоҳида тақлифлар ва ҳулосалар тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: илмий қондалар, ҳулоса ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётида, ўқув жараёнида, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ахмаджоновой Зухры на тему: "Проблемы правового регулирования дивидендных отношений в акционерных обществах" на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.03 – Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право

Ключевые слова: дивиденд, дивидендная политика, распределение прибыли, реинвестиции, акция, простая акция, привилегированная акция, кумулятивная акция, конвертируемая акция, миноритарные акционеры, мажоритарные акционеры.

Объекты исследования: теоретико-практические аспекты действующего законодательства Республики Узбекистан о дивидендах.

Цель работы: дать комплексный концептуальный анализ правовых проблем защиты прав акционеров на дивиденды в Республике Узбекистан и на этой основе выработать практические рекомендации по совершенствованию законодательства в данной сфере.

Метод исследования: концептуальный, проблемно-целевой, сравнительно-правовой, историко-правовой, логический подход и др.

Полученные результаты и их новизна: новизна исследования заключается, прежде всего, в комплексном изучении правовых проблем совершенствования системы защиты прав акционеров на дивиденды. По результатам исследования предлагается: законодательно закрепить обязанность общества принятия Положения "О дивидендной политике", принять Типовое Положение "О дивидендной политике"; законодательно упразднить категорию именных ценных бумаг; исключить в законодательстве установление Наблюдательным советом максимального порога размера дивидендов; имплементировать Рекомендации технического комитета IOSCO "Защита имущественных прав клиентов", а также Рекомендации Комитета IOSCO по странам с развивающимся рынком "Схемы коллективных инвестиций в странах с развивающимся рынком" и др.

Практическая значимость: результаты диссертационного исследования могут быть использованы: в процессе законотворческой деятельности в области развития акционерных обществ; в практике повышения квалификации кадров и государственных органов Республики Узбекистан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты работы были представлены в Министерство юстиции Республики Узбекистан, а также опубликованы автором в научных трудах. Рекомендации работы могут быть использованы в качестве элементов государственной правовой политики в проводимых в стране мероприятиях по реформированию и развитию системы защиты прав акционеров.

Область применения: совершенствование действующего законодательства в сфере защиты прав акционеров на дивиденды. Материалы исследования могут быть применены при создании научно-практических трудов и в учебном процессе.

RESUME

Thesis of Akhmadjonova Zukhra on the scientific degree competition of the doctor of science (philosophy) in law, on specialty 12.00.03 – Civil Law, Bizness Law, Family Law, International Private Law, subject: "Problems of regulating dividentual relations in joint-stock companies"

Key words: dividend, dividend policy, distribution of profit, reinvestment, share, simple share, preferred share, cumulative share, converted share, minority shareholders, and majority shareholders.

Subjects of research: Theoretical and practical aspects of the present of the Republic of Uzbekistan, legislation regulating dividends.

Purpose of work: To give a complex and conceptual analysis of legal problems of protecting shareholders' rights to dividend in Uzbek joint-stock companies and on the basis of it to elaborating practical recommendations to the improvement of national legislation.

Method of the research: Conceptual, problem-target, comparative, historical, logical and other methods.

The results obtained and their novelty: complex research of legal problems of protecting shareholders' rights to dividend in Uzbekistan.

Proposals offered on the results of research: fixing legally the duties of joint-stock companies to elaborate the Regulations "On Dividend Policy", adopting Model Regulations "On Dividend Policy", eliminating the category of nominal share; excluding the norm which requires Board of Directors' recommendation on maximal amount of dividend payments; implementing Recommendations of technical committee IOSCO "Client Asset Protection" IOSCO Technical Commission Recommendations" and "Collective Investment Schemes in Emerging Market". Report by IOSCO Emerging Markets Committee, etc.

Practical value: The results of the dissertation research may be used in legislative activity in the sphere of joint-stock companies activity; in improving expert's qualification and governmental bodies of the Republic of Uzbekistan.

Degree of embed and economic affectivity: the results of research were delivered to the Ministry of Justice of Uzbekistan, published in scientific journals. Recommendations can be used as elements of government policy and events and measures were aimed to reformation and development of the protection of the rights of shareholders' to dividend.

Field of application: Improvement of legislation on the protection of the right shareholders' to dividend. The materials may be supplied in scientific-practical work preparation and academic studies.

Босишга рухсат этилди: 03.11.2010.
Ҳажми: 1,8 б.т. Адади: 130. Буюртма: № 620.
ГДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.